

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2006 йил, 5 ОКТЯБРЬ, ПАЙШАНБА

**XXI АСР САДОСИ**  
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 197 (10.754)

Баҳоси эркин нархда

## МАМЛАКАТИМИЗДА

● **БУГУН** пойтахтимиздаги Ўзбекистон Республикаси Бадий академиясининг кўргазмалар залида «Молиявий хизматлар — 2006» ва «INFO-BUINESS» халқаро кўргазмалари иш бошлади. Кўргазмада банклар, кредит уюшмалари, лизинг, сугурта, консалтинг ва аудиторлик компаниялари, реклама агентликлари ва оммавий ахборот воситалари иштирок этмокда.

● Фарғона шаҳрида Республикамиз онколог олимларининг навбатдаги олтинчи илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Унда саратон касалликларининг ташхиси ва уларни даволашга оид илмий маърузалар тингланди.

● Сурхон воҳаси ғаллакорлари экиш ишларини бошлаб юбордилар. Асосий майдонларга ғалланинг «Крошка», «Половчанка», «Чиллаки», «Краснодар-99» навлари экилмокда.

● Навоий кончилик институти билан Навоий кон-металлургия комбинати ҳамкорлигида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди. Конференциядаги илмий маърузаларда инсоният рўбарў келаётган экологик муаммолар, уларнинг ечими хусусида ҳам сўз борди.

● Ғаллазорол туманидаги Гулистон қишлоғида болалар даволанадиган санаторийнинг янги биноси фойдаланишга топширилди. Бу ерда болалар ўз соғликларини тиклаш баробарида ўқини ҳам давом эттиришади.

● Хонобод шаҳрида 2002 йилда ташкил этилган «Ўзтери» ўзбек-корейс қўшма корхонаси жорий йилда «ЎздЭУавто» компаниясига 115 мингта автожўт етказиб беради.

● Германиянинг «BMW» компанияси томонидан ишлаб чиқарилаётган автомобиллар эндиликда юртимиз автомобиль бозорига келтирилди. Компаниянинг автомобиллари пойтахтимизда янги очилган «Premium Auto» автокомпанияси томонидан етказиб берилди. Шу муносабат билан энг сўнги моделдаги автомобилларнинг тақдимот маросими ва автокомпания автосалонининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

● Марғилондаги жорий йилда фаолиятини бошлаган «Margilon tekstil» ўзбек-турк қўшма корхонасида ҳорихий технологиялар асосида пахтадан тайёрланаётган сифатли ип-каваллар Россия, Туркия, Польша ва бошқа чет мамлакатларига экспорт қилинмокда.

● Фарғона вилояти маҳалла маркази қошида ташкил қилинган «Водий зиёси» ўқув-услубий маркази ташаббуси билан шу йил майиюн ойларида ўтказилган сайловлар даврида янги сайланган фуқаролар йиғинлари раисларининг уч кунлик ўқув машғулотлари ўтказилди.

● Термиз шаҳрида замонавий хорих технологияси билан жиҳозланган «Сурхонпласт» масъулияти чеklangан жамияти иш бошлади. Корхонада пластик девор қопламалари, қувур, эшик ва дераза ромлари, полиетилен плёнка сингари 10 хилга яқин махсулот тайёрланади.



## ЖАҲОНДА

● Европа Иттифоқининг ташқи сиёсат ва хавфсизлик масалалари бўйича олий комиссари Хавер Солананинг маълум қилишича, Эрон урани бойитиш жараёнини тўхтатиш фикрида эмас. Солана ва Эрон вакиллари ўртасида олиб борилган музокаралар бир неча ҳафта давом этди ва қутилган натижага бермади.

● Чехия парламентининг кўйи палатаси Мирослав Тополяник бошчилигидаги амалдаги ҳукуматта ишонсизлик билдирди. Қузатувчиларнинг фикрича энди Тополяник истеъфога чиқишга мажбур бўлади.

● КХДР Ташқи ишлар вазири баёнотига кўра Шимолий Корея келажақда ядро қуроллари синовларини ўтказмоқчи. Шу билан бирга у ҳеч қачон биринчи бўлиб бундай қуролни ишлатмаслигини ҳам билдирди.

● Европанинг «Airbus» авиаконсорциуми энг катта авиалайнерлардан бири ҳисобланган янги А-380 самолётларини етказиб бериш яна бир йилга кечиктирилишини маълум қилди. 2007 йилнинг ҳисобига режалаштирилган 9 та самолётдан фақат биттаси етказиб берилади.

● Айна пайтада Франциянинг қатор ҳудудларида сув тошқинлари содир бўлмокда. Мамлакатнинг 96 та департаментидан 11 тасида табиий офатлар оқибатини бартараф этиш тартиби жорий этилди. Маълумотларга кўра, бир ой давомида ёғиши лозим бўлган ёмғирнинг бир кечада ёғиши кўплаб шаҳарларда кўчаларнинг ярим метр сув билан қоплашишига олиб келди.

● Бельгия санъат ва тарих Қироллик музейи «Самарқанд Буюк Ипак йўли чорраҳасида: Ўзбекистон музейлари хазинаси» кўргазмасини ўтказиш юзасидан тайёргарлик ишларини бошлаб юборди.

● Лондоннинг «Челси» клуби жамоаси машҳур футболчи Питер Осгуданинг хотирасини абадийлаштирди. Маълумки, футболчи 380 учрашулда дарвозаларга 150 та тўп киритган.

● Немис —Француз маданият телеканали ARTE дунёнинг турли давлатлари олимлари иштирокида ўзга сайёраликлар учун мўлжалланган телекўрсатув ташкил этди. «Ҷазо билан алоқа» деб номланган дастурнинг илк сони бир вақтнинг ўзида ерликлар ва ўзга сайёраликлар эътиборига ҳавола этилди.



## ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология хизмати марказининг хабар беришича, 6 октябрь кунги Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, киска мuddатли ёмғир ёғиши мумкин. Фардан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 10-12, кундузи 23-25 даража иссиқ бўлади.

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

### Киска сатрларда

● **БУГУНДАН** Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида жойлашган «Семурғ» болалар оромгоҳида «Қамолот» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ташаббуси билан бошланган сайёр ўқув семинарида пойтахт туманларидан келган «Қамолот» фаоллари, етакчилар, сардорлар иштирок этишмокда. Ушбу анжуман 8 октябргача давом этади.

● **БУГУН** Собир Раҳимов туманидаги «Ёшлик» корхонасида маънавий-маърифий ишларни янада кучайтириш, миллий ғоя тарғиботини ёшлар онгига чуқурроқ сингдириш масалаларига бағишлаб ўтказилган давра суҳбати «Маънавият ва тарғибот» марказининг туман бўлими томонидан уюштирилди.

● **КЕЧА** Бектемир туман ҳокимлигида туман ҳокимлиги, корейс миллий маданият маркази ҳамкорликларида тумандаги халқ таълими, ўрта махсус касб-хунар таълими муассасаларининг ўқитувчилари, фахрий педагоглар иштирокида уюштирилган тадбир «Устозларга эҳтиром» деб номланди.

● **СЕРГЕЛИ** туманидаги «Кўшқўрғон» маҳалласида туман ҳокимлиги ташаббуси билан «Ер участкаларини хусусийлаштириш — давр талаби» мавзусида ўтказилган давра суҳбатида ҳуқуқшунослар, маҳалла фаоллар ва ёшлар иштирок этишди.

● «**МАЪНАВИЯТ** ва тарғибот» марказининг Чилонзор туман бўлими ташаббуси билан тумандаги ўқув муассасалари, корхона-ташқилотларнинг маънавият ва тарғибот бўйича мутасаддилари иштирокида ўтказилган давра суҳбати маънавий-маърифий ишларни янада кучайтириш, миллий ғоя тарғиботини ёшлар онгига чуқурроқ сингдириш масалаларига бағишланди.

● **КЕЧА** Юнусобод туманидаги «Чоштепа» маҳалласида маҳалла фуқаролар йиғини ташаббуси билан маҳалла аҳли иштирокида экологик ҳашар ташкил этилди.

● **ЎТГАН** кун «Қамолот» ЁИХ Яққасарой туман бўлими Кенгашида «Қамолот» фаоллари, етакчилар ва сардорлар иштирокида уюштирилган давра суҳбатида ёшлар тарбиясининг шаклланишида «Қамолот»нинг ўрни, ёшларнинг гивёвандлик, ичкиликбозлик, фоҳишабозлик иллатларига йўлиқиб қолишларининг олдини олишда турли хил тадбирлар, курик-танловларнинг ахамияти борасида ўзаро фикр алмашилди.

● **КЕЧА** Собир Раҳимов туманидаги «Сувсанотмаш» очик турдаги акциядорлик жамиятида «Маънавият ва тарғибот» марказининг туман бўлими ташаббуси билан туманда миллий ғоя тарғиботини кучайтириш, маънавий-маърифий ишларни жонлантириш масалаларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Ўз мухбирларимиз хабарларидан.

## ХУРМАТЛИ ХАМШАҲАРЛАР!

Шахримизда барча коммунал хизматлари, кўрсатиш, жумладан, соҳага оид туман таъмирлаш ва авария-тиклаш ташқилотлари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фонди, ижтимоий объеклар, муҳандислик тармоқларини кузги-кишки мавсумга тайёрлаш борасидаги ишларини мувофиқлаштирувчи махсус маркази доимий фаолият юритади.

Сизнинг тақлифларингизни инобатга олган ҳолда ҳамда белгиланган тегишли ишларни ўз вақтида тўлиқ яқунлаш, шунингдек аҳолини куз-қиш мавсумида иссиқлик, электр қуввати, ичимлик суви, газ билан мунтазам таъминлаб бориш мақсадида уй-



**ПОЙТАХТИМИЗДА**  
**ФАОЛИЯТ**  
**КЎРСАТАЁТГАН**  
**«АГРЕГАТ**  
**ЗАВОДИ»**  
**АКЦИЯДОРЛИК**  
**ЖАМИЯТИ**  
**ҲИСОБЛАНАДИ.**  
**ЗАВОД ЎТГАН**  
**АСРНИНГ 50-**  
**ЙИЛЛАРИНИНГ**  
**ЎРТАЛАРИДА**  
**ҚАД РОСТАЛГАН.**



### Иқтисодиёт

## ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ

70-йилларнинг бошларидан эса қишлоқ хўжалиги техникалари учун ниҳоятда зарур бўлган агрегатлар ишлаб чиқара бошлаган. Айтиш мумкинки, юртимизнинг миллий истиклолга эришуви корхона фаолиятида катта ўзгаришлар, меҳнатда катта зафарлар омили бўлди. Олдинлари корхонада асосан хайдов тракторларининг турли эҳтиёт қисмлари, сеялалар мунтазам равишда ишлаб чиқарилган бўлса, кейинчалик хорихий шериклар билан ҳамкорлик ишларининг натижаси ўлароқ механизация мосламаларини замонавий турларини тайёрлаш намунали йўлга қўйилди.

— Корхонамизнинг иш фаолияти 2003 йилдан бошлаб ривожланиш палласига кирди, — дейди корхона бошқаруви раиси ўринбосари Нуриддин Баратов. — Ана шу йилдан бошлаб қишлоқ хўжалиги учун ни-

ҳоятда зарур бўлган ОВХ-600 русумидаги пуркагичлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Бундан ташқари инвестиция дастури талаблари доирасида импорт ўринини босувчи, харидорғир эҳтиёт қисмлари тез ва киска вақт ичида ўз талабгорларини топишга улгурди.

Хозирда корхонада 680 нафардан ортик мутахассис ва ишчилар фаолият юритмокда. Уларни ижтимоий муҳофаза этиш, меҳнатга ҳақ тўлаш жараёнида моддий ва маънавий томонларга эътибор қаратиш, дам олиш соатларида қулайликлар яратиш бериш борасида комплекс тадбирлар амалга оширилмокда. Албатта, ишчи-хизматчилар учун ижтимоий ҳимоянинг кенг қўламда йўлга қўйилиши меҳнат жаҳасида самарадорлик ва унумдорлик ошишига хизмат қилмокда.

Корхонанинг механика-йиғиш, узатма-

ларни, турли деталларни йиғиш, халқ истеъмоли учун ниҳоятда зарур бўлган асбоб-ускуналарни йиғиш цехларидаги ишлар бир маромда олиб борилмокда. АЙНИҚСА, Германиянинг «Лемкин», Франциянинг «Кюю» фирмалари билан ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши келажақда кўзда тутилган ишларнинг янги босқичга кўтарилишига замин яратяпти. Тенг манфаатдорлик ва шерикчиликка асосланган ҳамкорликнинг пириовар натижасида янги русумдаги культиваторлар, ерни чуқур ва сифатли ҳайдаш имконига эга бўлган хайдов плуглари ишлаб чиқарила бошланди. Ўтиб бораётган йилмизнинг баҳорги мавсумида худди шу тилдаги масла-маларнинг 26 таси Фарғона, Сирдарё, Тошкент вилоятлари худудларида жойлашган тажриба майдонларида синовдан ўтказилди. Ўтказилган текширув натижалари ушбу мосламаларнинг барча гидротехник талаблар даражасида эканлигини исботлади.

Хидирали ПАНЖИЕВ

СУРАТЛАРДА: корхона фаолиятининг лавҳалар.

Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар

## ТАШРИФ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

**МАМЛАКАТИМИЗГА РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН КЕЛГАН ҚИРГИЗСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҚУРМАНБЕК БАКИЕВ ЎЗБЕКСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ Ш.МИРЗИЕЁВ ҲАМРОҲЛИГИДА 4 ОКТЯБРЬ КУНИ САМАРҚАНДГА КЕЛДИ.**

Олий мартабали меҳмон шаҳар билан танишувни Улўбек расадхонасида бошлади. Шохи Зинда ва Регистон мажмуалари, Ғури Амир мақбарасини зиёрат қилди.

— Ўзбек ва қирғиз халқлари қадим-қадимдан бир заминда яшаб келади. Бугун Самарқандда буюк аждодларингиз бунёд этган мухташам обидаларини томоша қилиб, хайратга тушдинг. Бу бетакорр ва бебаҳо ёдгорликларнинг кўз қорачигидек асралаётгани жуда муҳим ахамиятга эга, — деди Қ. Бакиев.

Шу билан Қирғизистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи ниҳоясига етди.

## GERMANYA

### ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТАШРИФИ

**МАМЛАКАТИМИЗДА МЕҲМОН БЎЛИБ ТУРГАН GERMANIA ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ СИЁСИЙ ДЕПАРТАМЕНТИ ДИРЕКТОРИ М.ШЕФЕР РАҲБАРЛИГИДАГИ ДЕЛЕГАЦИЯ 4 ОКТЯБРЬ КУНИ ЎЗБЕКСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ СПИКЕРИ Э.ХАЛИЛОВ БИЛАН УЧРАШДИ.**

Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришда, жумладан, унинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаб боришда парламентлараро алоқалар муҳим ўрин тутиши қайд этилди. Томонлар Ўзбекистон билан Германия олий қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги муно-

сабатларнинг бугунги аҳоли ва истикболлари юзасидан фикр алмашдилар. Меҳмонларга Ўзбекистоннинг икки палатали парламенти фаолияти, унда Қонунчилик палатасининг ўрни ва ва-зифалари, фракциялар тўғрисида атрофлича маълумот берилди.

ЎЗА

## «Tashkent open — 2006»

### ЯРИМ ФИНАЛГА КИМЛАР ДАЪВОГАР?

КЕЧА «TASHKENT OPEN — 2006» АЁЛЛАР ҲАҲОН ТУРНИРИНИНГ БИРИНЧИ ДАВРА ЎЙИНИЛАРИ ЯҚУНЛАНДИ ВА НИМЧОРАҚАДАГИ ТЎРТТА ЎЙИН НАТИЖАЛАРИ БЎЙИЧА ЧОРАФИНАЛЧИЛАР АНИҚЛАНДИ. БУ ДЕГАНИ, ЯРИМ ФИНАЛГА ДАЪВОГАР БЎЛАЁТГАН ДАСТАБКИ ТЕННИСЧИЛАР, ШУ ЖУМЛАДАН ИРОДА ТЎЛАГАНОВА ҲАҚИДА СЎЗ ЮРИТИШ МУМКИН.

Ирода нимчоракдаги икки сетли беллашулда таиландлик теннисчи Тамарин Танасугардан устун келди. Эслаб ўта-миз, бу спортчи биринчи даврадаги бахсларда Окгул Омонмуродова учун жиддий рақиб бўлиб чикди. Афсуски, бу ҳамюртимизнинг турнирдаги дастлабки беллашувданок ўйини тарк этишига тўғри келди.



(Давоми 4-бетда)

## Обуна — 2007

### «ОҚШОМ» — ЯҚИН ҲАМКОРИНГИЗ, ДИЛКАШ СУҲБАТДОШИНГИЗ



Кадрли оқшомхон! Маълумки, шу кунларда мамлакатимизнинг барча алоқа бўлимларида сиз севиниб ўқийдиган «Тошкент Оқшоми» газетасига 2007 йил учун обуна қизғин давом этмокда. Буни, албатта таҳририятимизга сиз азиз муштариоларимиздан келаётган обуна билан боғлиқ хат-хабарлардан ҳам билса бўлади. Зеро, матбуотни ҳаётининг ажралмас қисми, мазмун деб билган; унинг қадрига етган, республикамизда ҳамда жаҳонда рўй бераётган воқеа-ҳодиса ва янгиликлардан доимо хабардор бўлишни

хоҳлаган инсон учун обуна масаласида ҳеч қандай баҳона ёки муаммо сабаб бўлмайди. 40 йилдан ортик вақт ичида ўзининг содик, ихлосманд ўқувчилари даврасини йўқотмаган «Оқшом» таҳририяти ҳам келаси йил учун «теша-тегмаган», «тахи бузилмаган» мақо-лаларни ўз ичига оладиган янги режаларни белгилаб қўйди. 2007 йилдан бошлаб газет-хонни ўзига «тортадиган» янги-янги мавзу-даги қизиқарли, ўқинишли мақоалалар, ранг-баранг, ёрқин суратлар, билимингизни чарч-ловчи кроссвордлар газета саҳифаларидан ўрин олади. Шундай экан, азизлар, сизга ҳар доим энг яқин ҳамкор, ҳамфикр ва маслаҳаттўй бўлиб келган севишли нашрингизга обуна бўлишга шошилган. Вақт ганимат, Янги йил-нинг биринчи кунидан бошлаб «Оқшом»ни хо-надонингизда кутиб олинг.

«Тошкент Оқшоми» газетасида 2007 йил учун обуна қизғин давом этмокда.



# ТАДБИРКОР

—Шунингдек, Юртбошимизнинг 2006 йил 24 майдаги «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида»ги қарори ҳам 1 сентябрдан қўнишни кучга кирди.

лар ва уларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.  
Маълумки, юқоридаги Қарорга мувофиқ рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан

## Карор ва ижро

### ҚУЛАЙЛИК ТУҒДИРМОҚДА

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2005 ЙИЛДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ҚАТОР ФАРМОН ВА ҚАРОРЛАРИ МАМЛАКАТИМИЗДА КИЧИК ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИДА КАТТА АҲАМИЯТ КАСБ ЭТИБ, ИҚТИСОДИЙТИМИЗ РАВНАҚИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚўШУВЧИ УШБУ СОҲА ХОДИМЛАРИГА КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТДИ, ҲУҚУҚИЙ ЗАМИН ВА КАФОЛАТНИ ТАЪМИНЛАГАДА МУҲИМ РОЛЬ ўйнамоқда.**

Қарорга қўра, тадбиркорларга рўйхатга олиш гувоҳномаларини расмийлаштириш мuddати етти иш кунидан икки иш кунига қисқартирилди. Бу эса тадбиркорга қисқа мuddатда рухсат берувчи органнинг расмийлаштириб тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш имконини беради.

Шуни ҳисобга олиб, Президент қарорлари талабларини ҳаёта тadbир этиш учун Тошкент шаҳар Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармаси ташаббуси билан жойларда туркум семинарлар, масъул ходимларни жалб этган ҳолда давра сўхбатлари ўтказилди.

Масалан, 11-12 августда Республика бозор кўникмаларини ривожлантириш марказида шаҳардаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари, ахборот-маслаҳат марказлари, солиқ, адлия ва бошқа тегишли бошқармалар вакиллари иштирок этиш семинари ўтказилди. Семинарда қатнашчилар ўзаро фикр алмашди-

рўйхатдан ўтказиш ёки асосланган ҳолда рад этиш тўғрисидаги қарор ариза олинган кундан кундан бошлаб яқна тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс бўлмаддан ташкил этилган деҳқон хўжалиқлари учун 2 иш кунидан, юридик шахс сифатидаги барча тадбиркорлик субъектлари учун 3 иш кунидан ортиқ бўлмаган мuddатда қабул қилиниши белгиланган эди. Ҳозирда эса, ариза-хабарномани берган кундан бошлаб тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатига олиб, унга тегишли гувоҳнома-ни беришгача ўтадиган мuddат кўпи билан икки иш кунини ташкил этади.

Бундан ташқари, статистика органи томонидан корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат рўйхатига айнаб бир хил фирма номлари мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотномаларини олиш, сўровномаларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш учун ягона электрон база яратилган бўлиб, ягона давлат реестрини яритишда чалқашликларга йўл қўйилишининг олди олинди.

Бир хил ёки адаштириш даражасида ўхшаш бўлган фирма номи мавжуд эмаслиги ҳақида маълумотнома олиш учун ариза берувчи шахсан ўзи келиб, почта ва электрон почта алоқаси ёки факсимал алоқа орқали туман (шаҳар) давлат статистика органига сўралаётган фирма номи, шунингдек, фирма номининг 5 тагача мубоқабил варианты кўрсатилган ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

Айни кунда, давлат солиқ инспекциялари билан ҳокимликлар қoшидаги инспекциялар ўртасида солиқ тўловчиларнинг идентификация рақамлари берилгани тўғрисидаги тегишли сўровномаларни қабул қилиш ва ушбу ахборотни рўйхатга олувчи органларга узатиш учун электрон почта алоқаси ҳам ишга туширилди. Бунинг афзал-

инспекциялари ҳисобланади. Ҳозирги кунда тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган фўқароларга ўз ишларини йўлга қўйишлари учун жойлардаги инспекциялар томонидан амалий ёрдам берилмоқда.

Аммо, афсуски айрим туманларда қарорда белгиланган вазифалар талаб даражасида бажарилаётми, деб бўлмади. Айниқса, рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштирувчи тегишли ташкилотлар билан инспекция ўртасида ҳужжатларнинг алмашиш тизимини амалга ошириш қийин кечмоқда. Айрим туман ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш инспекцияларида эса тадбиркорлик фаолияти учун керакли бўлган ахборотлар, кўргазмали стендлар билан жиҳозлаш талабга жавоб беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, мазкур қарорга мувофиқ, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ҳақида хабардор этиш тартиби устидан қаттиқ назорат қилиш Адлия вазирлиги ва Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳамда уларнинг ҳудудий бошқармалари зиммасига юклатилган. Шундан келиб чиқиб, ҳозирда пойтахтимиздаги туман ҳокимликлари қoшидаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциялари ҳамда Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасида 132-00-97 рақамли «Ишонч» телефонлари ишлаб турибди. Бугунгача ушбу «Ишонч» телефонлари орқали 100 дан зиёд тадбиркорлик субъектлари билан бевосита мулоқотлар уюштирилди. Мурожаат этган тадбиркорларга ёрдам бериш ҳамда улар томонидан фаолияти давомида юзага келган муаммоларга ечим топиш юзасидан тегишли жавоблар ва маслаҳатлар берилди.

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартибини бузган мансабдор шахслар эса белгиланган тартиб асосида жавобгар бўлишлари тушунтирилмоқда. Албатта, ушбу қарорнинг ижроси тадбиркорлар сафининг кенгайиб, уларнинг иқтисодиётимиз ривожига улushi ортишида муҳим аҳамият касб этиши, шубҳасиз.

Шарифа ИЛЁСОВА

## Ватан ҳимояси — шарафли бурч ЎЙГИТ СЎЗИДАН ҚАЙТМАЙДИ

**ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ҲУҚУВЧИЛАРНИ ҲАРБИЙ КАСБЛАРГА ҲУМЛАТИРИВЧИ РЕСПУБЛИКА ЛИЦЕЙИ ҲОВЛИСИ ЭРТАЛАБДАН БИРИНЧИ КУРС ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИНИНГ ТАНТАНАЛИ ҚАСАМД МАРОСИМИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ЮРТИМИЗНИНГ ТУРЛИ ҲУДУДЛАРИДАН КЕЛГАН ОТА-ОНАЛАР ВА ҲАРБИЙЛАР БИЛАН ГАВЖУМ БЎЛД.**

Айни кунда уч юздан зиёд ўқувчи тахсил олаётган ушбу таълим масканига ўн беш ёшли ўқувчилар қабул қилинади. Икки йил мобайнида уларга умумий ўрта таълим фанлари билан бирга ҳарбий ва жисмоний тайёргарлик бўйича дарслар чуқур ўргатилди.

Тадбирда мазкур лицей директори С.Ахоров, 11-синф ўқувчиси Ф.Отамуродов ва бошқаруш мамлакатимиз Президентини Ислом Қаримов раҳномалигида Куролли Қўларимизда амалга оширилган илмий ислохотлар ўз самарасини бераётганини алоҳида таъкидладилар. Еш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш малакали ҳарбий кадрларни тайёрлашнинг муҳим шарти экани қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига қарашли ўқувчиларни ҳарбий касбларга йўналтирувчи мазкур лицейда ўқувчиларнинг жисмонан чиникиб, билим ва маҳоратини ошириши учун барча шароит яратилган. Уч юздан зиёд ўқувчи эга шинам ётоқхона, замонавий ошхона ва спорт заллари ўқувчилар истирида. Тарбияланувчилар турли спорт секциялари, фан, компьютер, хоржий тилларни ўрганиш тўғрисидаги мунтазам шуғулланиши мумкин. Ўқувчиларнинг, айниқса, жисмоний тайёргарлигига, спорт билан мунтазам шуғулланишига алоҳида эътибор қилинади.

...Ҳаяжонли лаҳзалар бошланади. Ўқувчилар қатъият, гурур ва ифтихор билан бирма-бир тантанали қасамд қилишга киришадилар. Ҳарбий либос ярашган йиғилчаларнинг қадди-бастини, шахдам қадамларини кузатиб турган ота-оналарнинг қўвонига қўвонч қўшилиди.

— Бутун ҳаётимизда энг унутилмас кунлардан бири бўлиб қолади, — дейди биринчи курс тингловчиси Темир Раҳимов. — Сабаби мен бу кўнни асминга танганимдан бери ортиқиб қутган эдим. Ҳарбий либос кийиб, халқимизга, ола-Ўзбекистонимизга, Президентимизга садоқат билан хизмат қилганим, деб давлатимиз байроғини ўйиб, ош индим. Йиғит сўзидан қайтмайди. Оразим эса офицер бўлиш.

Ж.КЕНГБОВ,  
ЎЗА мухбири

## Иқтисодиёт

### ШАРҚ ШИРИНЛИКЛАРИ

**ҲАР БИР ИШДА ИЗЛАНГАН, ИМКОНИЙ ҚИДИРГАН КИШИ ҲУМУВФАҚИЯТИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ. БУНИ Тўғри АНГЛАГАН ТАДБИРКОРЛАР МАҚСАДЛАРИ ЙўлиДА САМАРАЛИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРМОҚДА.**

Шайхонтохур туманида фаолият юритаётган «SHARQ SHIRINLIK» маъсулияти чекланган жамоати ўзининг сифатли, харидоригар қандолатчилик махсулотлари билан ички бозоримизда муҳим ўрни эгаллаган. 8 нафардан иборат қандолатчиликнинг касб-маҳоратлари тўғрисида новот, парварда, зефир, мармелад каби сифатли ширинликлар ҳаммаҳарлигимиз дастурхонига тортиқ этилмоқда.

Бундан ташқари, мазкур корхонада ҳуштам, хушбўй, тўйимли бўлган бир неча турдаги праниклар ҳам тайёрлаш йўлга қўйилган. Уларнинг бежирим, эҳтиёбга яраша қадқоқлашига алоҳида эътибор қаратилади. Барча махсулотларни тайёрлаш учун маҳаллий хом ашёдан фойдаланилади.

Бозор иқтисодиёти шароити талабларига асосан иш юритаётган, корхона тадбиркорлари каттаю кичик севиб истеъмол қиладиган ширинликларнинг янгидан-янги турларини тайёрлашни мақсад қилган ҳолда меҳнат қилишмоқда.

### ХАРИДОР ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА

**«ИНИЛАНГА ТОЛЕ ЁР» ДЕБ БЕЖИЗ АЙТИЛМАЙДИ. МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН ХУСУСИЙ ТАДБИРКОР ГУЛНОРА ОРИФЖОНОВА АНА ШУНДАЙЛАР СИРАСИДАНДИР.**

2001 йилдан буён самарали иш юритаётган изланувчан, янгилликка ўч тадбиркор бугунги кунга келиб оилавий бизнесда анчагина муваффақиятларга эришди. У сингиллари ҳамда қизи кўмағида аёллар учун мавсулий либослар тикмоқда. Уларнинг харидорлигини таъминлашда эса хоржий, юксак самарали тикув машиналари маддакор. Сифатли ва ёрқин матолардан қўли гул чеварларнинг маҳорати ила гўзаллик яратилмоқда. Шунингдек, либосларнинг пишик-пухта, бежирим, ярашқили бўлишида мохир дизайнчиларнинг ижодий меҳнатлари алоҳида таҳсинга лойиқ.

Ҳозирда аҳил жамoa 23 хилдаги мавсулий кийимлар туркумини тайёрлаб, шаҳримиз бозорларига сотува қичқари. Эътиборли томони, жорий йилдан эътиборан, улар ёш мавсумида буюртма асосида тумандаги мактаб, касб-хунар коллежлари ўқувчилари учун махсус хушбичим, бежирим формаларни тайёрлаб беришди.

Мухаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

## АВТОТРАНСПОРТ КЎРГАЗМАСИ

**ТОШКЕНТДАГИ «ЎЗЭКСПОМАРКАЗ»ДА «АВТОМОТОШОУ UZBEKISTAN-2006» ХАЛҚАРО 3 АВТОМОБИЛЛАР КЎРГАЗМАСИ ўТҚАЗИЛМОҚДА. БУ ГАЛГИ КЎРГАЗМАДА «BMW» ВА «AUDI» КОМПАНИЯЛАРИ ҲАМ ИШТИРОК ЭТАПТИ.**

Унда ўн икки давлатнинг ўттиздан ортиқ компаниялари ўзларининг автомобиль техника, ускуна ва технологияларини намойиш этмоқда. Кўргазмада ёнгини ўчириш ускуналари, электроникалар учун махсус ўрин ажратилган. Шунингдек, томошабинлар замонавий автолизинг дастури билан ҳам танишишлари мумкин. Тадбир даврасида энг яқши товушдаги автомагнитопларнинг кўрик-танлови ҳам ўтказилди.

— Мазкур кўргазма ишлаб чиқарувчилар ва харидор ўртасида тўғридан тўғри алоқаларни йўлга қўйди, — деди «Тошшаҳартрансизм» ассоциациясининг раҳбари Шомурот Мухаммаджонов. — Бундан ташқари, бу ерга ташир буюрганлар автоолам янгилари ҳамда ривожланган корхоналар тажрибалари билан танишиш имконига эга. Аҳолини сифатли транспорт хизмати билан таъминлаш мақсадида юртимиздаги автомобиль саройлари тўлдириб боришмоқда. Хусусан, 2006 йил Туркияда ишлаб чиқарилган 300та «Мерседес» русумли замонавий автобус, Россияда Екатеринбург машинасозлик заводидан 30 та трамвай олиб келинди.

Ш.Мухаммаджоновнинг таъкидлашича, «Тошшаҳартрансизм» ассоциацияси таркибига учта йирмик акциядорлик компанияси қиради. Булар автобус ва таксомотор саройини бирлаштирган «Тошавтобустранс», троллейбус, трамвай деполари ва метрополитени бирлаштирган «Тошэлектротранс» ҳамда «Ташпа-ремсервис» иштирослаштирилган компанияси ҳисобланади. Ҳозирда Тошкентда 176 та йўналишдаги жамоатчилик транспортлари фаолият олиб боради. Давлат тасарруфидан чиқарилган тўққизта автобус саройи тармоққа инвестициялар жалб этиш микдорининг кўпайишига ёрдам беради. 90 фоиз давлат ташкил қилувчи акциялар пакети сотувага қўйилган.

Мазкур ассоциация Халқаро автомобиль транспорти уюшмаси ҳамда Халқаро электр транспорт ассоциацияси аъзоси ҳисобланади.

«Туркистон-пресс»

## Тежамкорлик

### Оқилона Фойдаланиш Позим

**Кундалик ҳаётимизни электр энергиясиз тасаввур қилиш қийин. Электр энергияси саноатда, транспортда, алоқа ва телекоммуникацияда, тиббиётда ва оддий турмушимизнинг ажралмас қисми бўлиб қолган. Лекин Кўпчилик халқ бойлиги ҳисобланган электр энергиясининг 1кВт.соатини ишлаб чиқариш ва уни истеъмолчиларга ЕТҚАЗИБ БЕРИШ МИНГЛАБ ЭНЕРГЕТИКА ТИЗИМИ МУТАХАССИСЛАРИНИНГ КЕЧАЮ-КУНДУЗ МЕҲНАТИ ЭВАЗИГА ЭКАНЛИГИНИ БИЛМАСЛИКЛАРИ МУМКИН.**

Бир тасаввур қилиб кўрайлик: ўз хонадонингизда 1 донга 100 вт қувватли электр чирокни ёқдингиз. Сиз билан бир вақтда пойтахтимизнинг турли бурчларида ҳам 10000 та хонадонда қувватли 100 вт га тенг бўлган чироқ ёқилди дейлик. Демак шу вақтнинг ўзида Тошкент шаҳар электр тармоқларига уланган умумий қувват 1000кВт.га ошади. Ушбу қувват битта ўртача катталиқдаги бетон буюмлари ишлаб чиқарувчи заводнинг қувватига тенг эканлигини ҳисоб-китоблар орқали аниқлаб бериш мумкин. Лекин юқоридаги электр чирокларни ўчириб қўйиш ёдимиздан кўтарилди ва ушбу чироклар ярим соатга ёқилганича қолди деб ҳисоблайлик. Ушбу холда фақат ўтган ярим соат ичидагина 500кВт.соат электр энергияси беҳуда исроф этилганлигини кўришимиз мумкин. Худди шундай таҳлилни баъзи саноат корхоналарида, кичик бизнес субъектларида ва яқна тартибдаги тадбиркорларнинг электр қурilmаларида ҳам ўтказиш мумкин. Чўнки ишлаб чиқариш субъектларида электр энергиясидан ноқилонга фойдаланиш ҳолатларига ханузгача йўл қўйилганлиги бизга сир эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони талабларини бажариш борасида «Ўздавэнегронзорат» инспекцияси Тошкент шаҳар бўлими томонидан бир қанча ишлар олиб боришмоқда. Фармон чиққандин кейин инспекция томонидан ўтказиладиган текширувлар сони кескин қисқартирилди. Саноатда, микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжалиқларининг молия-ҳўжалик фаолиятини хар тўрт йилда кўпи билан бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектларини хар уч йилда кўпи билан бир марта текшириш йўлга қўйилди. Тадбиркорлик субъектларини бу каби ҳуқуқий ҳимоя қилиш уларнинг фаолиятини ривожлантиришга қаратилган. Инспекция томонидан назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши томонидан тасдиқланган текширувлар режа-жадвалига асосан ўтказилаётган текширувларнинг сифати истеъмолчиларнинг электр энергиясидан фойдаланишида йўл қўйган қоидабузарлиқлари учун уларга нисбатан қўлланган иқтисодий жарималарнинг микдори ёки сонига эмас, балки хўжалик юритувчи субъектларда халқ бойлиги ҳисобланган ёқилги-энергетика ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланишининг йўлга қўйилишига боғлиқдир. Шу ўринда Тошкент шаҳар бўлими томонидан энергетика бўйича ўтказилаётган текширувларда хўжалик юритувчи субъектларга электр энергия-

сини тежаб-тергаб фойдаланиш ҳақида, электр қурilmаларнинг техник ҳолати белгиланган қоидаларнинг талабларига жавоб берадиган даражадалигига ва электр энергиясидан фойдаланишда хавфсизлик техникаси талабларини бажаришга қаратилган тавсиялар берилмоқда ва уларга бу масалаларда амалий ёрдам берилмоқда.

Яқинда «Ўздавэнегронзорат» инспекцияси Тошкент шаҳар бўлимида ўтказилган ўқув-семинарда шахримиздаги «KVANT OPTIMUM» акциядорлик жамияти, «ELEKTRO-PLUS», «USTA USMON» хусусий корхоналари, «ЕКО ТЕТЛОУИНА» ИИЧК, «MARNEL GAZ SERVIS» маъсулияти чекланган жамияти, каби бир қатор корхоналарнинг электр мутахассислари иштирок этидилар. Ўқув-семинарда «Ўздавэнегронзорат» инспекцияси Тошкент шаҳар бўлими бошлиғи Т.Ҳабибозов йиллангларга электр энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги янги қоидалар ҳақида тўлиқ маълумотлар берди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги «Электр энергияси сотилиши ҳамда ундан фойдаланилишини ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини мустақамлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори талабларини бажарилишида олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтилди. Ҳозирги кунда фойдаланилаётган ҳисобга олишнинг индукцияли ускуналарини замонавий электрон электр ҳисоблағиларга алмаштиришни таъминлаш долзарб масала бўлиб тургани ҳақида истеъмолчиларга маълумот берилди.

Ўқув-семинарда «ЎЗТЕМИРЙУЛМАШ-ТАЪМИР» унитар корхонасидан инспекция тавсиясига қўра ўрнатилган актив ва реактив энергияни, шунингдек максимал қувватни бир вақтда ўлчаш ва назорат қилиш имконини берувчи AV10-RL-RN-3 «Альфа» А-1700-русумидаги кўп функцияли электр ҳисоблағич ва DTS-541-3\*10(40)A, 3\*220/380В-русумидаги «Holley metering LTD» фирмасининг электрон ҳисоблағичлари тизими завод технология жараёнидаги электр энергия сарфини компьютер орқали бошқариш имконига эга бўлганлиги ҳамда электр энергияси сарфини кескин қисқартирилишига эришилганлиги миол тарикасида кўрсатиб ўтилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, юртимиз бойлиги бўлган ёқилги-энергетика ресурсларидан, хусусан электр энергиясидан тежаб-тергаб фойдаланиш, исрофгарчилигига йўл қўймаслик фақат ишлаб чиқариш билан шуғулланаётганлар учун эмас, балки хар биримизнинг бурчим эканлигини унутмайлик.

Эҳсон УСМОНОВ,  
«Ўздавэнегронзорат» инспекцияси  
Тошкент шаҳар бўлими катта  
инспектори.

**БОЛАНING ҲЗИ ШИРИН, БИЙОН ТИЛЛАРИ УНДАН-ДА ШИРИН. АНА ШУ КИЧИКТОЙЛАРИМИЗНИНГ ҚОЙИЛИ КИЙНИШИ ЭСА КўРГАН КўЗЛАРНИ ҚУВНАТИБ, ЯРАШГАН СИФАТЛИ ЛИБОСЛАР «ШИРИН»ЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРАДИ.**

## Кўшма корхоналарда

### БИРИ-БИРИДАН БЕЖИРИМ



Болажонларимиз учун ишлаб чиқарилаётган турли-туман ички ва устки кийим-кечекларнинг, импорт ўрнини босувчи сифати юқори махсулотларнинг ўзимизда тайёрланаётганлиги эса ҳам ота-оналарни хушнуд этса, ҳам четдан келтирилаётган либослар билан бемалол рақобатлашиб, иқтисодиётимиз ривожини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Бундан 4 йил аввал иш бошлаган «Шафақ-текстиль» ўзбек-турк кўшма корхонасининг ўз олдига қўйган асл мақсади ҳам ана шунга қаратилган бўлиб, жамoa чеvarлари ўз фаолиятини бир неча турдаги чақалоқ йўрғак ва ашёлари, болалар кийимлари тайёрлашдан бошлаган эди. Бунгун кунда эса тадбиркорларнинг изланишлари юксак самара бергани боисдир, корхонада 150 хил моделдаги болалар либослари тайёрланмоқда. Улар орасида чақалоқ йўрғакдан тортиб, мурғак гўдак учун керакли бўлган ички ва устки кийимлар, қалпоқча ва пайпоқчалар, 3-4 ёшгача бўлган ўғил-қизлар учун ёғзи ва қишки костюмлар харидорларга манзур бўлиб, ички бозорда ўз ўрнини топмоқда. Энг асосийси эса барча тикилаётган кийим-кечеклар учун 100 фоиз пахтадан тайёрланган сифатли матолар ишлатилмоқда. Улар нафақат кўриниши ва безаклари билан, балки кичкинтойлар соғлиги учун фойдали эканлиги, кийишга қулайлиги, ювганда рангини йўқотмаслиги билан ажралиб туради. Бундан, албатта харидорлар бе-ниҳоя мамнун.



## Харакатдан барака келади, деганлари айнан ҳақиқат эканлигини иш фаолияти-мизда кўриб турибмиз, — дейди корхона раҳбари Одила Очкараева. — Шундан бениҳоя мамнунмики, мустақил Ўзбекистонда чет эл инвесторларининг эркин фаолият юритишлари учун

ҳисса қўшмоқда. Шундай корхоналар орасида бизнинг ҳам борлигимиз ниҳоятда қувонарлидир. Илк фаолиятини 7 нафар тикувчи билан бошлаган кўшма корхонада бугунга келиб 32 нафар ўз касбининг усталари фаолият кўрсатмоқда. Корхонанинг ўз фирма дўқони бўлиб, шунинг баробарида пойтахтимиздаги ўнлаб савдо шоҳобчалари ва хусусий тадбиркорларга шартнома асосида махсулот етказиб беради. Жамoанинг мохир дизайнер, модельерлари айни кунларда бир неча янги турдаги қўзғи-қишки болалар либосларини тайёрлади ва чеvarлар уни харидорларга етказиб беришда сифатга алоҳида эъти-

бор қаратишмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тадбиркорлар махсулот экспортини ҳам йўлга қўйиш ниҳоятда. Бунинг учун ташқи бозорни ўрганишга ва хоржий хамкорлар билан музокаралар олиб боришга эътибор қаратилган. Келгусида бежирим ва рақобатбардор, чидамли, замонавий болалар кийимлари Туркия ва Россия давлатларига экспорт қилинади.



Шарофат БАХРОМОВА СУРАТЛАРДА: корхона цехларида иш қизгин ва тайёр махсулотлар. Наталья Семёнова олган суратлар



Марказлар фаолиятидан ҲАМКОРЛИК НАТИЖАЛАРИ САЙМОҚЛИ

МАХАЛЛАЛАРДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН ФУҚАРОЛАР ЙИГИНИ КЕНГАШИ РАЙСИНИНГ ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАШ БЎЙИЧА ҲАМКОРЛИК НАТИЖАЛАРИ

Ушбу марказ айна кунларда ёшлар ва воёга етмаганлар орасида турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг дунёқарашлари ва онгига салбий таъсир кўрсатишларига йўл қўймайлик каби чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқда.

Марказ ўтган вақт давомида Тошкент шаҳар ҳокимияти, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳамда Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

—Марказимизнинг асосий мақсади маҳаллаларда истиқомат қилувчи ёшларнинг мавжуд муаммоларини ҳал этишда кўмаклашиш, ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, улар орасида турли соҳа ва йўналишлар бўйича иқтидорларини аниқлаш, жойларда ўқув курслари, хунарманчилик ва спорт тўғрисида тарғибот олиш ва уларнинг бўлимида томонидан рўйхатга олинмаган ёшларни рўйхатга олиш, касбага йўналтириш каби вазифаларни амалга оширишдан иборатдир. — дейди «Маҳалла умидлари» маркази раиси Гулмира Шорустамова.

Айтиб ўтиш жоизки, ушбу марказ томонидан жорий йилнинг сентябрь ойидан бошлаб туман бўлимида илмий-амалий семинарлар ўтказилиб келинмоқда. Анжуманлар «Комил инсон тарбиясида маҳаллаларнинг ўрни» мавзусида бўлиб, ўнги ўтказишдан эса маҳалла ёшлари билан ишлаш комиссияси раисларининг фаолиятини янада ошириш каби хайрли мақсадлар қўланган.

Мазкур семинар Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси, Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси билан ҳамкорликда ташкиллаштирилган бўлиб, унда «Воёга етмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда маҳаллаларнинг ўрни», «Воёга етмаган ёшларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида», «Ёшлар тарбиясида оила, маҳалла ва ўқув муассасаларининг ҳамкорлиги» мавзусида маърузалар ўқилмоқда.

Пойтахтимизнинг барча туманларида ўтказилаётган семинарлар айниса маҳалла фуқаролари йиғини маслаҳатчилари ва фаолларида катта қизиқиш уйғотиб, келгусида амалга ошириладиган ишларда йўл-йўриқ вазифасини ўтамоқда.

ШОИРА МУХАМЕДОВА

Маълумки, маҳалла—ўзини ўзи бошқарадиган, аҳолининг турли ёшдаги қатламларидан тортиб турли билим даражасига эга бўлган мактаб ўқувчилари, етук мутахассислар, турли дунёқараш ва характерга эга бўлган инсонлар яшайдиган аҳоли ўрдами.

Бундай уюшма аъзолари ёшларидан катта назар ҳаёт ҳавфсизлиги кўнралини билишлари, фақулдада вазиятларда биргаликда ҳаракат қила олишлари, вазият оқибатларини бартараф этишда бор бўлган имконият ва воситалардан тўлақонли фойдаланишлари керак. Маҳалла аъзоларининг бир қисми ўқув юртиларида ва иш жойларида керакли билимга эга бўлсалар ҳам маҳалла шариоатида ҳамкорликда ҳаракат қилишга тайёрлик даражаси талаб даражасида эмас.

Шаҳримизнинг Шайхонтоҳур, Чилонзор, Сергели, Яккасарой, Бектемир ва Собир Раҳимов туманларида жойлашган маҳаллаларда маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари билан бўлган мулоқотда аҳолининг фақулдада вазиятларда турғи ҳаракат қилишга тайёрлаш дастурининг зарур эканлиги янада ойдинлашди. Дастур 2002 йилда тақдим этилган бўлса ҳам юқорида айтиб ўтилган маҳаллаларга етиб келмаган. Дастурни маҳалла оқсоқоллари маълумлашди, аммо кейинги йиллардаги ўзгаришларни инобатга олиб дастурга қўшимчалар киритиш кераклигини ҳам кўрсатиб ўтдилар.

Маҳалла ҳудудига хос фақулдада вазиятларга кенг ўрин бериш, хавфли ишлаб чиқариш объектлари ва унинг маҳалла водхонлигини ҳам юқсак даражага кўтариш, ўзлик тушуинчасини янада чуқурроқ англаб етишлари учун таълим тизимида босқичма-босқич ислохотлар олиб боришмоқда. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг тизимида қилувчи идорада ҳамкорлигида аҳоли, айниса, ёшлар онгига ҳуқуқий саводхонлиқни оши-

Маҳаллаларда СЕРГАКЛИККА ДАЪВАТ

АҲОЛИ ХАВФСИЗЛИгини таъминлаш, УЛАРНИ ТУРЛИ ТАБИИЙ ВА ТЕХНОГЕН ТУСДАГИ ФАВҚУЛДАДА ВАЗИЯТЛАРДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҲОЗИРГИ ДАВР ТАЛАБИДИР.

аҳолиси соғлиғига ва ҳудудларга зарарли таъсирини камайтириш чораларини атрафолича ёритиш зарурлиги учрашуларда яққол намоён бўлди.

Маҳалла фаоллари ва фуқароларни фақулдада вазиятларда турғи ҳаракатга ўргатиш йиллик режалари Шайхонтоҳур туманининг «Янгиобод», «Катта боғ», «Янги Камолот», «Эшонгузар», Сергели туманининг Шукур Бурхонов, Ҳабибий номи маҳаллаларида Фуқаро муҳофазаси институти ходимлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилиб ижроси йўлида иш олиб боришмоқда. Маҳаллаларнинг бундай режаларни тузишда бевосита шу маҳаллаларга хос бўлган эҳтимоли бор бўлган фақулдада вазиятларга катта аҳамият бериладиганлиги диққатга сазовордир.

Ҳаёт хавфсизлиги асосларини ўргатишда маҳаллаларда ҳаёт хавфсизлиги буржанини ташкил этиш керак. Шайхонтоҳур тумани «Янгиобод» маҳалласи идораси йўлига осиб қўйилган ранг-баранг «Ҳаёт хавфсизлиги» плакатлари ташриф бурганларни ўзига жалб этади. Бу плакатлар табиий

ва техноген тусдаги фақулдада вазиятларнинг келиб чиқиши, бундай ҳолатларда турғи ҳаракат қилишга ўргатиши, аҳоли билимини оширибгина қолмай сергакликка ҳам даъват этади. «Ҳаёт хавфсизлиги» бурчанини ташкил этишда плакатларнинг камлигини маҳалла фаоллари алоҳида кўрсатиб ўтдилар. Бундай плакатлар Фуқаро муҳофазаси институти томонидан ишлаб чиқилган бўлиб уни қўнайтириш ҳозирги давр талаби эканлигига эътибор қаратилди.

Биз шаҳримиздаги айрим маҳаллаларда фақулдада вазиятларда аҳолини турғи ҳаракатга ўргатиш бўйича олиб бориладиган ишлар турғисидан фикр юритдик. Уйлаймики, бошқа маҳаллаларда ҳам хайрли ният йўлидаги бундай тадбирлар ўтказилиши йўлга қўйилди ва унинг катта натижалар беришига ишонамиз.

Равайн ҚОДИРОВ, Фуқаро муҳофазаси институти кафедра бошлиғи, майор, Талъат ҲОЛИҚОВ, Раҳмон КЕНЖАЕВ, шу институт катта ўқувчилари

КОЛЛЕЖДА ТАДБИР

ТОШКЕНТ АВИАСОЗЛАР КОЛЛЕЖИДА КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ КАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИГА 14 ЙИЛ ТУЎЛИШИ МУНОСАБИТИ БИЛАН «ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ОЛИШ ҲУҚУҚИНИНГ КОНСТИТУЦИЙВИЙ КАФОЛАТЛАРИ» МАВЗУИДА ДАВРА СУҲБАТИ ЎТКАЗИЛДИ.

Конституция ҳар бир давлат фуқаросининг эркинлиги ва тенг ҳуқуқлигини таъминловчи бош мезон ҳисобланади.

Янги аср илм-маърифат ва техника, касб-ҳуналар даври эканлиги ҳисобга олиниб, айниқса, ёшларнинг ақл-зиё салохиятини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, уларнинг ҳуқуқий са-

воҳонлигини ҳам юқсак даражага кўтариш, ўзлик тушуинчасини янада чуқурроқ англаб етишлари учун таълим тизимида босқичма-босқич ислохотлар олиб боришмоқда. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг тизимида қилувчи идорада ҳамкорлигида аҳоли, айниса, ёшлар онгига ҳуқуқий саводхонлиқни оши-

риш мақсадида жойларда турли тадбирлар ташкил этилмоқда. 1,5 минг ўқувчилар таълим оладиган Тошкент авиасозлар коллежи бугунги кунда ўзига хос янгилик жорий этди. Ҳафтанинг ҳар сешанба кунини Ҳуқуқий саводхонлик кунини деб эълон қилинди. Ушундан ташқари таълим оладиган ҳуқуқий савод-

хонлигини оширишга қаратилган тадбирлар, ўқув соатлари ўтказилади. Бу гаги тадбирда Адлия вазирлиги мутахассислари иштирок этди.

Мулоқот чоғида мустақилликнинг ҳоҳияти, Конституция, қонуналар, давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган фармон ва қарорлар, ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар ҳақида маълумот берилди. Сўнгги йилда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, ўқувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига боғлиқ мавзудаги ҳам тўхталиб ўтилди.

КЎРГАЗМАДА БОЛГАРИЯ ТАРИХИ

ТОШКЕНДА БОЛГАРИЯ ДАВЛАТЧИЛИГИНИНГ ҚАДИМИ ДАВРЛАРДАН БОШЛАБ ТАШКИЛ ТОПИШИ, ИНКИРОЗИ, ҚАЙТА ТИКЛАНИШИ ВА ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ХУСУСИДА ҲИҚОЯ ҚИЛУВЧИ КЎРГАЗМА ОЧИЛДИ.

сам муволажа бўлмас, — деб таъкидлади С.Русинова. — Аммо халқимизнинг галабалари, гуллаб-яшнаши, маърифий юксалишлари ҳам мазкур саҳифалардан ўрин олган. Кўп асрлик тарихимиз мобайнида Болгариянинг чегаралари кўп мартаба ўзгарган. Уч денгиз тўлкинири сερкувш Болгария киргюкларига бош урган вақтлар ҳам бўлган, болгар халқи қўлида яшаган даврлар ҳам бўлган. Ҳозирги вақтда Болгария аниқ белгиланган чегарага эга. «Чегара» сўзининг ўзбекча маъноси касб этади. Яъни бу тушулча ҳар бир фуқарога ватани сарҳадларида эркин ҳаракат қилиш ҳуқуқини кафолатлайди. Боз устига, бир

неча кун аввал Европа комиссияси ўз маърузасида Болгариянинг Европа Иттифоқига аъзо бўлиб киришга тайёр эканини маълум қилди. Бу эса келажак авлодлар учун истиқбол ўққларини кенг очиб беради. Аммо қаерда яшайдиган қатъи назар, асл болгарлар руҳи халқимизнинг ҳар бир вакили юрагига сақланиб қолмоғига ишонман, — деди элчи.

Кўргазма Қора, Каспий денгизлар, Волга дарёси ва Болтик бўйларида яшаган халқлар тарихида номтаълим бўлган саҳифаларни кашф қилиниши билан мутахассисларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

«Туркистон-пресс»

Болгариянинг Ўзбекистондаги ишонли вакили Стояна Русинова мазкур кўргазма сентябрь ойида нишонланадиган икки шарофтли сана — Болгариянинг бирдамлик кунини ва Ўзбекистоннинг Мустақиллик байрамига бағишланганини маълум қилди.

— Жўрғофий хариталар Болгариянинг хоррийк давлатлар бўйича давлат агентлиги томонидан элчиҳонага юборган совғаси бўлиб, улар хоррийкда болгар мактабларида сабоқ олаётган диаспорамиз болалари мамлакатимиз, унинг халқи тарихини янада яхшироқ билишлари учун мўлжалланган, — деди элчи. — Ушбу хариталар орқали Болгариянинг бой тарихи билан дўстларимизни таништириш мақсадида мазкур кўргазмани ташкил этдик.

— Ҳар бир давлатнинг гуллаб-яшашини ва инкироз даври бўлади. Тарихимиз саҳифалари ота-бобларимиз қони, опа ва сингиларимиз кўзи ёшлари билан ёзилган де-

Фольклор дасталарда

МИЛЛИЙ МУМТОЗ ЎЗБЕК МУСИҚАСИ ВА ҚЎШИҚЧИЛИГИНИНГ НУФУЗИ КУНДАН-КУНГА ОРТИБ БОРМОҚДА. ЮРТИМИЗ ДОВРУГИНИ ЕПТИ ИКЛИМГА ТАНИТГАН «ШАШМАҚОМ», «ТАНОВОР», «МУЗТАҲЗОД» КАБИ КҮЙ-ҚЎШИҚЛАРИНИНГ СЕҲРИЛИ НАВОСИ ЖАҲОН САҲНАЛАРИДА ҲАЛИ-ҲАНУЗ ЖАРАНГЛАБ ЎЗБЕКИСТОНИМИЗ ШАЪНИНИ ШАРАФЛАБ КЕЛМОҚДА. АЙНИҚСА, ФОЛЬКЛОР ДАСТАЛАРИ ҚИҶИШЛАРИНИНГ ОММАЛАШИБ БОРИШИ ВА БУНДАЙ ДАСТАЛАРНИНГ КЎПАЙИШИ ЖУДА ҚУВОНЧИДИР.

МУМТОЗ МУСИҚА СЕҲРИ

«Хуррият» фольклор дастасининг ташкил топганига ҳам эндигина икки йил бўлди. Аммо шу қисқа фурсат ичида, мазкур жамоа эл орасида танилиб, ўзининг севимли муҳлисларини топди. —Дастамиз 2004 йилда Республика мусиқа коллежи ижодий жамоаси ташаббуси ва коллеж раҳбари ёрдами билан ташкил қилинди, — дейди Республика мусиқа коллежи ўқитувчиси, созанда Маъмуржон Олимжонов. —Ушбу фольклор дастани ташкил қилишдан мақсадимиз, ёшларимиз орасида миллий мусиқага эътиборни кучайтириш, фольклор йўна-



лишидаги алла, лапар, ёр-ёрларнинг сеҳрини жонли ижро орқали кишиларга етказиб беришдан иборатдир. Ниятимиз 2007 йилда Францияда бўлиб ўтадиган фольклор фестивалида иштирок этиб, миллий меросимиз бўлган фольклор мусиқаси санъатини бутун дунёга намойиш этмоқчимиз. Бунинг учун аҳил жамоамиз билан биргаликда пухта тайёргарлик кўраёмиз ва изланмоқдамиз. Миллий санъатимизнинг жозибасини тарбиявий аҳамиятини тўлалигича очиб беришга интиломдамиз. Дарҳақиқат, «Хуррият» фольклор дастаси қисқа фурсат ичида анчагина

ютуқларга эришишга муваффақ бўлди. Дастада Нигора Иброҳимова, Ирода Курбонова, Рустам Абдурашидов, Матрасул Маматқўблов, Азиз Рихсиев каби иқтидорли ўқитувчилар кўшиқ айтадилар, соз чаладилар ҳамда саҳнавий кўринишлардан қўшлар ижро этадилар. Мазкур фольклор жамоа яқиндагина Қозғистонда бўлиб ўтган фольклор дасталари фестивалида совринли ўринини эгаллаб қайтди.

Гулчехра ДУРДИЕВА СУРАТЛАРДА: «Хуррият» фольклор дастаси фаолиятидан лавҳалар.



Сўраш, жавоб берамиз

БИР КЕЛИШИ 3 МИЛЛИОН ТУРАДИМИ?

Жаҳоннинг машҳур артистларининг бир савфари у келган мамлакатга 3 миллион долларга тушиши мумкинми? Айтишлари-ча, таниқли Пол Маккартни Россияга сафаридан 3 миллион долларлик бўлиб кетганимиш. Шу ростми? Темури Исқандаров, Чилонзор тумани. Рост бўлганда қандоқ! Хатто ундан ҳам киммат турадиган санъаткорлар ҳам борлигини матбуот саҳифаларидан билиб олиш қийин эмас. Масалан, жаҳон поп-музика юлдузларидан энг ёрқини ҳисобланган Мадонна Россияга бир гастролдан 5 миллион доллар ишлаб кетган экан. Албатта, Мадонна бугун жаҳонда энг киммат турадиган санъаткор. Бошқа юлдузлар ундан анча орақда: Пол Маккартнига ҳақиқатан ҳам 3 миллион АҚШ долларини тўлашган. «Роллинг Стоунз» 2 миллион доллар, Майкл Жексон 1,5 миллион доллар билан қирғоқларни қўйиб, Ёшлар қалбларини тобора кўпроқ забт

ПОЙАБЗАЛНИ ЕЧИШ ШАРТМИКИН?

Аэропортларга назоратдан ўтиш чоғи хатто оёқ кийимларини ҳам ечтиришар экан. Наҳотки шу шарт бўлса? Ахир детекторлар назоратдан ўтаётган йўловчиларда бегона нарсалар борлигини тўла аниқлай олмайдими? Олим Бойтўраев, Бектемир тумани. Мутасаддиларнинг бидиришларича, бу тадбир ҳақиқатан ҳам эҳтиёт чораси учун керак. Пойабзалнинг тағаримда бир мунча бўшлиқ жой бўлиб, уша ерга самолётни портлатишга етадиган портловчи модда ёки наркотикни жойлаштириб тикиб юбориши мумкин. Ҳозирча бунди детекторлар аниқлаши қийин, борлари эса жуда киммат тураркан. Масалан, пойабзал ёки киши танасидаги моддаларни аниқлаб берувчи замонавий рентген сканерлари 150-200 минг доллар атрафида туради. Қўнчилиқ авиакорхоналарининг, табиийки, шундай аппаратларни сотиб олишга қурблари етмайди. Мутахассис тиббиётчилар таъкидига қўра, юқоридаги рентген сканерларидан йўловчилар йилига юз мартагача

СУВАРАКЛАРНИ ЙЎҚОТИБ БЎЛАДИМИ?

Эсимни танганимдан бери суваракларга қарши курашиб келман — бу хира жониворлар кимнинг гашани келтирмайди? Уларга қарши қанча-қанча захарли дорилар ишлаб чиқарилган. Лекин ҳаймаси ҳам вақтинча таъсир қилади. Сувараклар бирмунча вақт йўқ бўлиб кетгандай туюлса-да, яна пайдо бўлаверади. Ўзи уларни йўқотиб бўладими ёки йўқми? Зулайхо Шойминова, Тошкент тумани. Олимларимизнинг хабар беришларича, дунёда суваракларнинг түрт мингдан ортиқ тури мавжуд экан. Маълум бўлишича, ашаш муҳити бузилиши билан уларнинг кўпчилиги қирилиб кетаркан. Суваракларнинг атиги 15-20 турга яқини инсонлар билан ёна-ён яшаб келади. Бу сувараклар ўзларининг турдошларидан ҳеч бир фарқ қилишмасе-да, улар биз билан бирга яшаб ва бундан ўзлари учун катта наф олишга ниҳоятда «уста» бўлиб кетишган. Улар хатто ўзларига қирон келтирувчи захарларга ҳам мослаша олишади. Бунинг сирини нимада экани ҳануз илм-фанга аниқ маълум эмас. Шунинг учун ҳам уларни бутунлай йўқотиб юборишнинг илоҳий хозирча йўқ.

ҚОВУН ЯХШИРОҚ...

Қовунни истезмол қилишда эҳтиёт бўлиш керак, ундан кейин, албатта новот чой ичмасе бўлмайди, қовунни овқатга аралаштириб бўлмайди, деган гаплар юради. Агар ҳақиқатан ҳам шундай бўлса, тарвуз ейиш кўпроқ фойдали ва хавф-хатарсиз экан-да? Сизлар нима дейсиз? Исажон Олимтоев, Яқкасарой тумани. Тиббийёт фанлари номзоди М.Мирша-рипов жавоб беради: —Бу ерда гап қовуннинг хусусиятлари ҳақида эмас, кўпроқ уни етиштиришда ортиқча селитра ишлатилиши ҳақида кетади. Аслида қовун жуда ажоиб пархез озукаси ҳисобланади. Овқат хазм бўлишида у хатто тарвуздан қўра афзалроқдир. Чунки тарвуз жигилдон қайнашнинг қаҳриши мумкин. Қовун ферментлари эса ошқозон шираси ферментларига яқин туради. Айнан шунинг учун ҳам Шарқ мамлакатларида, шу жумладан Ўзбекистонимизда ҳам ҳар қандай дастурхонга турли таомлар билан бирга қовун ҳам тортилади. Фарбда эса, уни десерт сифатида овқатдан сўнб бир неча карч истезмол қилиш билан чекланишиди. Бошқа овқатлар билан аралаштириш масаласига келсак, бу ҳар кимнинг ошқозонини қай ҳолатда эканига боғлиқ.

Таълим ҲАМКОРЛИК

КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЧИЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ УЧУН ЯНГИ ҲАМКОРЛИК ҚУВОНЧИ ВОҚЕАЛАР БИЛАН БОШЛАНДИ.

Олий ўқув юрти Туркиядаги Ерджийес университети ҳамда Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институти билан яқин алоқани йўлга қўйди. Шу муносабат билан институтга Туркия университети ректори Чингиз Уташ бошлиқ делегация ташриф бурди. Уч томонлама ҳамкорлик битими имзоланди.

Узаро келишувга биноан олий ўқув юртлири ўртасида таълим, фан ва санъат доирасида ҳамкорлик ва ёрдам кўрсатиш тадбирлари амалга оширилади. Истеъдодли талабалардан бир гуруҳни Туркияда бўлиб, билим ва амалий қўнқималарини оширадидлар.

КАФЕДРА ҲАМКОРЛИК

БУНДАН ҲАМКОРЛИК АВАЛ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ БАРЧА ОЛИЙ ҲАМКОРЛИК ТАЪЛИМ ДАСТУРЛАРИГА «ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ» ДЕГАН МАҲСУС ФАН КИРИТИЛГАН ЭДИ.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Миллий университети ҳузурда ушбу номдаги кафедра ташкил топди. Бугунги кунда ўзининг ўн йиллигини нишонлаётган «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» кафедраси зарур ўқув-методик адабиётлар тайёрлаш билан яқиндан шуғулланиб кафедра тавсисини билан маҳсус дарслар бўйича маърузалар матни топ этилди.

Кафедра сай-ҳаракати билан «Ёшларда ҳуқуқий маданият ва демократик қадриятларни шакллантириш—фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим омил» мавзусида грант лойиҳаси ҳам юзага келди.

Мазкур лойиҳа «Евроосиё ва «Марказий Осий» жамғармаларидаги миктаҳавий вақолатхонага тақдим этилди.

САМАРАЛИ ТАДҚИҚОТЛАР

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АВИАЦИЯ ИНСТИТУТИ ОЛИМЛАРИ АВИАЦИЯ ТЕХНИКАСИНИНГ ЯНГИ НАМУНАЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ СОҲАСИДА ҲАМ САМАРАЛИ ТАДҚИҚОТЛАР ОЛИБ БОРИШМОҚДА.

Олий ўқув юрти илмий кенгаши томонидан тавсия этилган устувор тадқиқот йўналишлари ҳам фан ва ишлаб чиқариш ҳамкорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Буларнинг аксарияти Давлат илмий-техника дастури бўйича эълон қилинган лойиҳалар танловига маҳсус грантларга сазовор бўлди. Магистрал юк ташувчи самолётларнинг тадқиқ қилиш ва уларнинг оптимал лойиҳа параметрларини аниқлашга оид изланиш ҳам ўз ижодий натижасини бера бошлади. Қишлоқ ҳўжалиқ самолёти эскиз лойиҳасини учун конструкторлик бўйича ҳўжатлар ишлаб чиқиш жараёнини ҳам низоҳасига етай деб қолди.

Санъат

МОЛЬЕР АСАРЛАРИ—САҲНАДА

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ТЕАТРИ РЕПЕРТУРИДА МУМТОЗ ЁЗУВЧИЛАР АСАРЛАРИ АСОСИДА САҲНАЛАШТИРИЛГАН БИР НЕЧА СПЕКТАКЛЬ БОР.

Эндиликда томошабилар машҳур француз драматурги Жан Батист Мольер ижод намуналарини ҳам ушбу ижодий жамоа ижросида қуриш имкониятига эга бўлишмоқда. Театр Мольернинг «Табии»деб номланган асарини ҳам постановка қилди ҳамда янги ижодий мавсумни ана шу спектакль билан бошлади.

Театрнинг бадий раҳбари Наби Абдурахмонов француз драматургига бағишланган янги спектаклни постановка қилиш истағи борлигини айтди. Ушбу ижодий режа театрнинг бу йилги репертуридан ўрин олади.

«ШАЙХОНТОУР»НИНГ ЯНГИ ФИЛЬМИ

«ШАЙХОНТОУР» КИНОСТУДИЯСИ ҲАМКОРЛИГИДА НАВБАТДАГИ БАДИИЙ ФИЛЬМИНИ «СЎҒДИЁНА» ДЕБ НОМЛАДИ.

Бош қаҳрамонлар Рустам ва Сўғдиёна ўртасидаги севиғи ҳақида ҳикоя қилувчи маҳкум картина истеъдодли кинорежиссёр Баҳром Ёқубов томонидан постановка қилинди.

Таниқли санъаткор Оксана Нечитайло Сўғдиёна образини яратиб ўзининг ижрочилик маҳоратини намойиш қилди. Янги фильмда Фаррух Соипов, Убайдулла Оминов, Тохир Самадов каби истеъдодли артистлар ҳам қатнашиб, экран асарининг янада қизиқарли қилишига ўз ҳиссаларини қўшидилар.

«Сўғдиёна» яқин орада экранларга чиқарилади. Назокат ВАЛИЕВА

Саломатлик МАКТАБДА ДАВРА СУҲБАТИ

КЕЛАЖАГИМИЗ ДАВОМЧИЛАРИ БЎЛИШ ҲАМ АВОЛДИНИНГ ҲАР ТОМОНЛАМА СОҒЛОМ, БАРКАМОЛ, ДУРКУН БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШЛАРИ БУГУНГИ КУННИНГ ЭНГ АСОСИЙ ДОЗЛАБ ВАЗИФАЛАРИДИР.

Яқинда, шаҳримиздаги 123-мактабда, «Соғ танда соғлом ақл» деб номланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Кечада, Б-оилавий поликлиниканинг малакали ва тажрибали шифокорлари иштирок этдилар. Мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилари билан бўлиб ўтган савол-жавоб тарикасидаги мушоҳадани, мулоҳазали қизин суҳбат барчага манзур бўлди.

ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР СОҒЛИГИ МУҲОФАΖАДА

МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ АРАФАСИДА ИШГА ТУШГАН, БАРЧА ШАРТ-ШАРОИТЛАРГА ЭГА ЯНГИ 8-ОИЛАВИЙ ПОЛИКЛИНИКА ХОДИМЛАРИ ИНСОНЛАР САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАΖАЛАШ ВА ТИКЛАШ БОРАСИДА АСТОЙДИЛ МЕХНАТ ҚИЛМОҚДАЛАР.

—Ҳафтанинг ҳар пайнабасида поликлиникамизда бўлажак оналар билан малакали ахушер-гинеколог, терапевт мутахассисларимизнинг жонли мулоқоти бўлиб ўтади—дейди 8-оилавий поликлиника бош шифокори Мунира Шохробова.—Бундан қўланган асосий мақсад бўлажак оналаримиз ва туғилмажак болаҳонларнинг соғлигини ҳимоя қилиш, оналарда туғиш жараёнига қараб бўлган даврдаги камқонликнинг олдини олиш ва уларни туғруққа тайёрлашдан иборатдир.

Шунингдек, поликлиникада оилаларнинг барча аъзоларин





### МАШРИҚЗАМИН — ҲИҚМАТ БЎСТОНИ

Мени Яхёнинг олдига олиб боришди. У меҳрибонлик билан ҳол-аҳвол сўраб, юқоридан жой кўрсатди ва деди: —Кўришдан маълумки, сен меҳмонга келган бу мўътабар кишилар орасида бегонага ўхшаб турибсан? Айт қаерликсан?

Мен ўз саргузаштларимни бошдан охиригача айтиб бердим. Яхё: —Бу шаҳарга қачон келдинг, қаерга кўндинг?— деб сўради.

—Яқинда келдим, бола-чақаларимни фалон мачитга ташлаб келганман, —деб жавоб бердим. У менга: —Майли, хафа бўлма, хотиржам ўтиравер, —деди-да, ходимни чақириб, кулоғига бир нарсалар деди. Сўнг яна мен билан суҳбатга киришди.

—Агар аёлингдан безовта бўлаётган бўлсанг, майли, бор, уларни кўриб кел, —деди ва ходимни кўшиб берди. Мачит томон юрмоқчи эдим ходим мени бошқа томонга бошлади ва данғиллама бир саройга етиб келганимизда ходим менга: «Бола-чақаларинг шу ерда», — деди. Ичкари кирдим. Иккита хож, бир неча дарбонлар ўрнидан туриб, менга таъзим қилишди ва «Кираверинг, бу сизнинг саройингиз», — дейишди.

—Мен ҳам Бармакнинг баракатидан! «Неъматга шукр қилмоқ неъматни зиёда қилади» деган мақол ўша кунлардан қолган.

Эй азиз, бу ҳикоятни шунинг учун келтирдимки, киши учун қилинган яхшилик одамлар хотирадан абадий ўчмаслигини ҳар ким тушунсин! Демак, оқил киши шундай кишики, дунёда фақат яхшилик қилади, бировнинг яхшилигини мамнунят билан эслади! Бировнинг қилган яхшилиги эвазига шукр қилмоқ одамнинг мартабасини оширади, мақсад ҳосили томон йўл очади!

Ҳақим Фирдавсий тарбияси бузуқ кишилар ҳақида куйидаги назмни келтиради.

**НАЗМ:**  
Аччиқ бўлса дарахт, уни кўчирсанг,  
Жаннатга элтсанг-у, яхшилаб эксанг.  
Кавсар суви билан сугорсанг уни,  
Ўғит учун асал солсанг ҳар кун.

**Ўқибат меваси пишгани замон,  
Ўша аччиқ мева бўлар бегумон!**  
Эй азиз, огоҳ бўл ва бу насиҳатларни қулоғингга ол, доимо яхши кишилар билан улфатчилик қил! Ножинс ва ярамас кишилардан қоч! Дангаса, хасис ва бахил одамлар билан суҳбат қурма, токи уларнинг таъсири сенга ҳам урмасин!

**НАЗМ:**  
Эй жоним, ярамас кишилардан қоч,  
Сени бошламасин ёмонлик томон!

Эй азиз, халқингга доимо яхшилик қил, қилган яхшилигинг улардан сенга қайтади. Ҳеч кимсага қасддан ёмонлик қилма, кимки ёмонлик қилса, шубҳасиз, бу қилган ёмонлиги бир кун ўзига қайтиб келади. Одамлар шундай одатга эгадирларки, улар ҳаётда доимо бир-бирларига яхши алоқада бўладилар, суҳбат қурадилар, берида бири ўрганади, бирининг таъсири берига уради. Яхшига қўшилган кишилар яхшилик томонга юрадилар. Шунинг учун сен олим, фозил, доно ва билимдон кишилар билан ҳамсуҳбат бўл, уларнинг суҳбати кишининг дил ойнасидан хирс, таъма, бахиллик губорини сугуриб ташлайди.

Эй азиз, билгинки, ҳақиқий суҳбат одамнинг қалбига қараб бўлади, яъни одамнинг дилидан бировнинг дилига дарча очилмагунча, икки кишининг орасида ҳақиқий муҳаббат ва пайвандлик ҳосил бўлмайди. Шунинг учун донолар: «Дилдан дилга йўл бор» деб мақол тўкишган. Дил дилни топандагина улар бир-бирининг аҳолини тушунадилар, шундангина ҳақиқий суҳбат, соф дўстлик пайдо бўлади. Жалолиддин Румий ўз маснавийларида поклар суҳбатини куйидагича тараннум қилади.

**НАЗМ:**  
Яхшиларнинг суҳбатин кўнглингга сол,  
Ҳеч ёмоннинг суҳбатин қилма хаёл.  
Кўр, қизил гул боғ ичин хандон қилур,  
Мард киши номарднинг ҳам инсон қилур.  
Гарчи сен бўлсанг агар мармар каби,  
Яхши бирла бўлгансен гавҳар каби.

Бузургмеҳрдан сўрадилар: «Нега сен қўлингдан кетган нарсага хафа бўлмайсан ва қўлингга келган нарсадан шодланмайсан?!» У деди: «Қўлдан кетган нарса ни дилтанглик ва ғамгинлик билан топиб бўлмайди! Азиз умрни эса, мол-дунё шодлиги билан беҳуда ўтказиб бўлмайди! Шундай экан, нега энди фойдасиз нарса учун ғам чекай ва менга бир умр вафо қилмайдиган нарса билан қувонай?»

Маҳмуд ҲАСАНИЙ тайёрлаган



## ЯРИМ ФИНАЛГА КИМЛАР ДАЪВОГАР?

(Давоми.Боши 1-бетда)


—Мен авваламбор спортчи сифатида дугонамни яхши тушунаман, — алоҳида таъкидлаб ўтди Ирода кечаги ўйиндан сўнг бўлиб ўтган матбуот конференциясида. — Оқгул Осие чемпиони, ўтган йил турнири финалчиси, бу йил бошида эса мамлакатимиз номидан «Австралиан опен» жаҳон турнири қорларидида иштирок этишга мушарраф бўлди. Унинг қисқа вақт ичида эришган бу ютуқларини фақат оламшумул воқеага таққослаш мумкин. Мен учун энг қийин пайтларда Оқгул нуфузли мусобақаларда аъло натижалар кўрсатиб, терма жамоамиз, қолаверса, мамлакатимиз шон-шўхратини халқаро майдонда ушлаб турганини гурур билан айтаман. Бу йилги турнирни давом эттира олмаслигини билгач, мен нечоғлик масъулиятни ўз зиммамга олишим даркорлигини амалда ифода этишга ҳаракат қиламан ва эндиликда ҳам, қанчалик қийин бўлмасин, бор куч-имкониятларимни сафарбар қилган ҳолда энг яхши натижаларга эришиб, ғалаба учун курашаман... Теннис менинг ҳаётим, ундан ором оламан, ҳузур қиламан. Қасбимга, яъни бу спортда ўз ўйинимни уйнаш-

га қайтишим боиси ҳам шундай. Демак, машаққатлар сари олдинги эришган зафар чўққиларини яна бир бор забт этиш менинг мақсадимдир...

ЭРТАГА Тўлаганова Екатерина



рина Бондаренко билан учрашади. Кечаги беллашувда украиналик теннисчи турнирда иккинчи бўлиб сараланган Елена Веснина (Россия)ни доғда қолдирганди. Екатерина — урта Бондаренко опа-сингилларнинг кенжатоий. Бондаренколар бир неча йиллар мобайнида оилавий тарзда (онаси ҳам мухлис сифатида) Тошкент турнирларида қатнашиб келган. Бу йили эса Катерина бир ўзи



Хунар — хунардан ризқинг унар. Рустам Шарипов олган суратлар.



ёддан чиқармаслик керакки, биринчи даврада Тўлаганова Анастасия Якимова (Белоруссия)ни мағлуб этди. Тамарин Танасугарн ҳам аллақачон «квалифайер» тоифасида эмас. У дунёда 104-ўринда туради, бир пайтлар эса биринчи ўттизликдаги кучли теннисчи ҳисобланган. Ирода эртага Бондаренко билан тортишувдек тўсиқни ҳам аъло енгиб ўтиб, ярим финалга даъвогарлик қилишига ишониб қоламиз. Бугун ярим финалга даъвогар бўлаётган яна икки теннисчи номи аниқланади. Улар қаторига Саня Мирза (Ҳиндистон) ва Ольга Пучкова (Россия) — сараланган ўйинчилар кириши мумкин. Ва айнан шулардан бири ҳамюртимиз рақибига ҳам айланади турган гап. Аммо, келинг, ҳали бўлмаган воқеалар ҳақида гапирмайликда, эртанги кун натижаларини кутайлик.

«Tashkent open»нинг кўп йиллик аъланасига кўра, ЭРТАГА турнир доирасида болалар теннис байрами ҳам ўтказилади. Унда теннис алифбосини ўрганишга ошмаққа болалар иштирок этиши мумкин. Мазкур лойиҳа Халқаро теннис федерацияси билан ҳамкорликда соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ҳамда мамлакатимизда оммавий теннисни ривожлантириш мақсадида амалга оширилатир.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

### «01» ҚОНДА ВА МЕЪЁРЛАРГА РИОЯ ЭТАЙЛИК

Мамлакатимизда кейинги йилларда амалга оширилган иқтисодий ва ҳуқуқий ислохотлар халқ ҳўжалиги, ишлаб чиқариш ва савдо-саноат тармоқларида, аҳолига маданий-маиший кизмат кўрсатиш тизимларида бирмунча янгиланишлар даврини бошлаб берди десак муболаға бўлмайди. Масалан, ўрта махсус ўқув юртлари, тиббий муассасалар, саноат корхоналари қайта таъмирланиб ишга туширилди, замонага хос ва давримизга мос иншоотларнинг барпо этилганлиги шаҳар кўркига-кўрк қўшмоқда.

Қурилишлар беҳисоб, интилишлар ва орзу-умидлар билан яратилаётган турар жойлар кўркам ва муқташам. Лекин, бир вақтнинг ўзиде, ёнғин хавфсизлиги қондаларига зид равишда бунёд этилаётган бино ва қурилмалар ҳам йўқ эмас. Бундай ҳолатларни кўпроқ уй-жой мулкдорларига қаршли кўп қаватли уйларда, уйларининг теварак-атрофлари ва йўлларида учратиш мумкин. Булардан ташқари фуқароларимиз томонидан ўзбошимчалик билан кўп қаватли уйлар атрофларига томорқа ҳўжаликларни қуриб олинганлиги, йўллар бошларига темир қозилар, газ баллонлари ва бошқа сунъий тўсиқлар, хонадонлари олдида ёнғин темир хёбонлар, кичик омборхоналар ҳамда қурилиш қондалари ва меъёрларига зид равишда кўп қаватли уйларининг лойиҳасига ўзгартиришлар кирити олиш ҳолатларини ҳам учратиш мумкин.

Бу эса ўз ўрнида кўп қаватли уйларда фаёқулудда ҳодисалар юз берганда, ёнғин содир бўлганда тўсиқлар туфайли ёнғин ўчириш автомашиналарининг ҳаракатланиши ва ёнғин жойига ўтиб сув манбаларини узатиш имкониятлари йўқолганлигини ва бошқа ҳуноқ оқибатлар келиб чиқиши мумкинлигини кўрсатади. Тилга олинган бундай ва шунга ўхшаш ҳўсонларни бартаграф этиш борасида, Бектемир тумани ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бўлими томонидан коммунал кизмат кўрсатиш ташкилотлари, туман муҳандислик кизматлари, маҳалла фаоллари ҳамда ҳоқимият ва жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда аҳоли яшаш жойлари ва аҳоли кўп йиғиладиган масканларни ўрганиш юзасида амалга оширилиши лозим бўлган кенг камровли тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари ва суҳбатлар ўтказиш орқали бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Кўриниб турибдики, давлатимизнинг иқтисодий тараққиётида халқ мулкини ёнғиндан муҳофиза қилиш, хавфсизлигини таъминлаш муҳим оимил ҳисобланади. Шундай экан, нафақат ҳуқуқни муҳофиза қилиш ходимлари балки, ҳар-бир фуқаро ана шу хайрли ва улғувор ишларда фаол иштирок этиши ва ўзини масъул деб билмоғи лозим.

Фаҳриддин ХОДИЕВ,  
Бектемир тумани ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бўлими бошлиғи,  
подполковник

## ХИТОЙДАН МЕДАЛЛАР БИЛАН

ХИТОЙНИНГ ГУАНЖОУ ШАҲРИДА ЭРКИН ВА ЮНОН-РУМ КУРАШИ БЎЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ЎТКАЗИЛГАНИ ВА УНДА ЎЗБЕКИСТОНЛИК СПОРТЧИЛАР МУВАФФАҚИЯТЛИ ИШТИРОК ЭТГАНИ ҲАҚИДА ХАБАР БЕРГАН ЭДИК.

Дунёнинг 57 мамлакатидан келган маҳоратли спортчилар иштирокидаги мазкур мусобақада терма жамоамиз аъзолари битта олтин ва иккита бронза медалини кўлга киритди. Афина ва Сидней олимпиадаси совриндори, жаҳон чемпиони Артур Таймазов Хитойда ўзининг юксак маҳоратини кўрсатиб, иккинчи бор жаҳон чемпиони унвоинига сазовор бўлди. У 120 килограмм вазн тоифасидаги финал учрашувиде россиялик Курамагамет Курамагаметовни яққол устунлик билан мағлуб этиб, дунёда тенгсиз эканилигини яна бир бор исботлади.

—Мен мусобақага фақат жаҳон чемпиони бўлиш ниятида борган эдим, ўзимни шунга ҳам руҳан, ҳам жисмонан тайёрладим ва кўзлаган мақ-

садимга эришдим. Энди олдимизда Осие ўйинлари турибди, унда ҳам олтин медални кўлга киритиш учун бор маҳоратимни ишга соламан — дейди Артур Таймазов. Бронза медалларига жамоамиз аъзоларидан 74 килограммда Саслан Тигиев, 81 килограммда эса Зоурбек Шохидов сазовор бўлди. Умуман олганда юртимиз эркин курашчилари Хитой ареналарида кўзланган мақсадга эришишди. Улар умумжамоа ҳисобида 57 мамлакат орасида кучли бешликдан жой олди.

Осие ўйинлари арафасида эришилган бу муваффақият Қатарда ҳам давом этишини чин дилдан тилаб қоламиз.

Рустам ХАЙДАРОВ,  
«Туркистон-пресс»

### ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

Тошкент шаҳар Ер муносабатларини ва кўчмас мулк кадастрини тартибга солиш бош бошқармаси томонидан 2003 йилда Набиҳоджаев Асҳоджа Саттарович номига Собир Раҳимов тумани, Корасарой кўчаси, 286-а уйдаги автобаза бўйича берилган ер кадастри йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

## «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-21-56. Манзилемиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.



ҚАДИМИЙ ВА НАВҚИРОН БУХОРО ШАҲРИДА 28-30 СЕНТЯБРЬ КУНЛАРИ КАМОНДАН ОТИШ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИ МУСОБАҚАЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ.

### Спорт

## ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИ— ТОШКЕНТЛИКЛАРДА

Камондан отиш федерацияси ва рангли металлари қайта ишлаш заводи ташкилочилиги ва ҳомийлиги остида ўтган бу тадбирда Сурхондарё, Самарқанд, Бухоро, Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри вакиллари иштирок этишди. Қизгин кураш остида ўтган бу мусобақаларда пойтахтимиз вакиллари аёллар ўртасида Сурайё Вахилова ва эркеклар ўртасида Жамшид Содиқовлар. Ўзбекистон кубоги совриндори бўдилар.

—Бу мусобақалар яқинда Мексикада бўладиган жаҳон биринчилиги олдида яхши синов бўлди, — дейди мусобақа бош хақами Ўзбекистон терма командаси бош мураббийи Гулнора Орипова.

Спортчиларимизга кейинги мусобақаларда фақат омад ёр бўлсин деймиз.

Шавкат ҚАҲҲОРОВ  
Муаллиф олган суратлар.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОҚИМЛИГИ

Буюртма Г- 1207

Бош муҳаррир  
Акmal AKPOMOB

Манзилемиз: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

### ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95,  
136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба  
ва жума кунлари чиқади.

Нашир кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот  
бошқармасида 02-1-рақам  
билан рўйхатта олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,  
офсет усулида босилади.  
3962 нусхада босилади.  
Қозғол бичими А-2

Наشري етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига еки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбоа оқидорлик компанияси босмоқониси. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6